

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2021 йил сентябрь ойининг 17 кунини Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати, Олий суд биносида, видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очик суд мажлисида,

раислик қилувчи: судья Ж.Тиркашев,

ҳайъат аъзолари: судьялар А.Икромов ва Р.Исмайловлардан иборат таркибда, С.Нарзуллаеванинг котибалигида, даъвогар У.Мустафоев ва унинг адвокати М.Мустафаевнинг иштирокида,

даъвогар Умархон Мустафоевнинг жавобгар Қашқадарё вилоят ИИБга нисбатан буйруқни бекор қилиш ва пенсияга чиқиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2021 йил 4 июнь ва Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 13 июлдаги ажримлари нисбатан даъвогар У.Мустафоев томонидан келтирилган кассация шикоятини иш ҳужжатлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар У.Мустафоев жавобгар Қашқадарё вилоят ИИБга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда Қашқадарё вилоят ИИБнинг 2021 йил 26 апрелдаги 17-сонли ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғини бекор қилиб, Низомнинг 114-банди “е” кичик банди билан соғлигини чекланган ҳолат – ҳарбий тиббий комиссиянинг ички ишлар органларидаги хизматга яроқлилиги чекланганлиги тўғрисидаги ва хизмат бўйича бошқа лавозимга ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, эгаллаб турган лавозимига мувофиқ хизмат мажбуриятларини бажара олмаслиги ҳақидаги хулоса асосида жавобгарга пенсияга чиқиш тўғрисида буйруқ чиқариш мажбуриятини юклашни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2021 йил 4 июндаги ажрими билан У.Мустафоевнинг даъво аризасини қабул қилиш рад этилган.

Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 13 июлдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд ҳужжатларига нисбатан даъвогар У.Мустафоев томонидан кассация тартибида шикоят келтирилган.

Иш бўйича жавобгар Қашқадарё вилоят ИИБ суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлса-да, вакил суд мажлисига келмади ва келмаганлик сабабини ҳам судга маълум қилмади.

Шунга кўра судлов хайъати ишни ФПК 407⁷-моддаси асосида даъвогарнинг розилиги асосида жавобгарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Судлов хайъати иш бўйича маърузани, даъвогарнинг тушунтиришини эшитиб, шикоят важларини иш материаллари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Ишдаги аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар У.Мустафоев Шахрисабз шаҳар ИИБ хузуридаги Тергов гуруҳи терговчиси лавозимида ишлаб келган.

Қашқадарё вилоят ИИБнинг 2021 йил 26 апрелдаги 17-сонли буйруғи билан даъвогар У.Мустафоев “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 144-банди “и” кичик бандига асосан (*хизмат интизомини қўпол равишда бузганлиги учун*) ички ишлар идоралари хизматидан Қуролли кучлар резервига бўшатишган.

Бунга, ИИБ Ўз хавфсизлиги бошқармаси Қашқадарё вилояти бўйича бўлимнинг хизмат текшируви хулосаси асос бўлган.

Айни вақтда даъвогар У.Мустафоевнинг меҳнатга оид ҳуқуқи ИИБ томонидан тикланмаганлиги боис ушбу даъво талаблари билан судга мурожаат этган.

Биринчи инстанция суди “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 155-бандига биноан даъвогар У.Мустафоев ушбу талаб билан дастлаб ИИБга мурожаат этмаганлигини асос қилиб, ФПК 194-моддаси биринчи қисми 1-банди билан аризани иш юритишга қабул қилишни рад этган ҳамда суднинг ушбу хулосаси билан апелляция инстанцияси ҳам келишган.

Судлов хайъати қуйидагиларга асосан судларнинг ушбу хулосаси билан келишмайди.

Аниқланишича, ҳақиқатдан ҳам даъвогар У.Мустафоев дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 29 апрелда ва ИИБга 2021 йил 1 майда мурожаат этган.

Бироқ, ушбу мурожаатлар ИИБ Ўз хавфсизлиги бошқармаси Қашқадарё вилояти бўйича бўлими томонидан ўрганиб чиқилиб, 2021 йил 22 майдаги хати билан хизмат текширувчи асосли ва У.Мустафоевни ички ишлар органлари хизматида ишга тиклаш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган.

Ўз навбатида даъвогар У.Мустафоев ушбу жавоб хатини апелляция шикоятига илова қилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларининг интизом Устави”нинг 27-бандида интизомий жазо чоралари қайд этилган бўлиб, мазкур банднинг з) кичик бандида ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш интизомий жазо чоралари сифатида кўрсатилган.

Мазкур Низомнинг 58-банди иккинчи хатбошисида ходим интизомий жазо эълон қилинганидан кундан эътиборан бир ой муддат ичида юқори турувчи бошлиққа ёки хизматни ўташ жойидаги ўз хавфсизлиги бўлинмасига шикоят билан мурожаат этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддаси бешинчи қисмига кўра, ички ишлар органларининг ходимлари ўзига нисбатан қабул қилинган қарорлар ва ҳаракатлар

(ҳаракатсизлик) устидан юқори турувчи мансабдор шахсларга, прокурорга ёки судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Демак, қонуннинг ушбу моддаси диспозициясида ходимнинг шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида ходим альтернатив шаклда юқори турувчи мансабдор шахс ёки прокурор ёхуд судга мурожаат қилишга ҳақлидир, бунда У.Мустафоевнинг дастлаб юқори турувчи мансабдор шахсга мурожаат этмаганлиги унинг тўғридан-тўғри судга мурожаат этиш ҳуқуқидан маҳрум қилишни назарда тутмайди, ушбу норма асоси қатъий бўлиб, уни кенгайтирилган ҳолда талқин этишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 3-моддасига биноан, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли.

Бундай ҳолатда даъвогар У.Мустафоев ИИБга нисбатан мурожаатидаги меҳнатга оид ҳуқуқларини бузилган ёки йўқлигига ҳуқуқий баҳо беришга фақатгина суд ҳақли бўлиб, низо суд томонидан кўриб чиқилишини тақозо этади.

Бироқ, биринчи инстанция суди ариза судда кўришга тааллуқли эканлиги ва бунда иш судда мазмунан кўриб чиқилиши лозимлигини эътиборга олмаган.

Апелляция инстанцияси суд қарорини қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатлилигини текшириш билан бирга суд ҳужжатини тўлиқ ҳажмда текшириб чиқиши шарт бўлса-да, биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоликни бартараф этиш чорасини кўрмасдан, суд қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Бу билан судлар процессуал ҳуқуқ нормасини бузилишига йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 416-моддасига асосан, суд ишни кассация тартибида кўраётганида биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси суди томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини ишдаги материаллар бўйича текширади.

Кассация инстанцияси суди янги далилларни ўрганиб чиқиш ва янги фактларни аниқлаш ҳуқуқига эга эмас.

Бундай ҳолатда суд ҳужжатларини қонуний, асосли ва адолатли деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ФПК 419-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига мувофиқ, кассация инстанциясининг суди кассация шикоятини (протестни) кўриш натижалари бўйича ушбу Кодекс 399¹-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида ва 399³-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган суд инстанциясига юборишга ҳақли.

Ушбу қонун нормаларига асосланган судлов ҳайъати мазкур низо бўйича чиқарилган суд ҳужжатларини юқорида келтирилган асослар бўйича бекор

қилиб, ишни мазмунан кўриш учун янгидан биринчи инстанция судига юборишни, жавобгар Қашқадарё вилоят ИИБдан видеоконференцалоқа хизмати учун Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳисоб рақамига 67.250 сўм суд чиқимини ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПК 419-моддаси ва 419⁴-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2021 йил 4 июнь ва Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 13 июлдаги ажримлари бекор қилиниб, иш мазмунан янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилсин.

Жавобгар Қашқадарё вилоят ИИБдан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозит ҳисоб рақамига (шахсий ҳисобварағи: 401410860262777033210011001, СТИР: 200936561, ғазна ҳисоб рақами: 23402000300100001010, банк: МБ ББ ҲККМ Тошкент шаҳри, МФО: 00014, СТИР (ғазна): 201122919 реквизитлари бўйича) суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ тўлов сифатида 67.500 (олтмиш етти минг беш юз) сўм ундирилсин.

Шикоят қаноатлантирилсин.

Раислик этувчи	(имзо)	Ж.Тиркашев
Ҳайъат аъзолари	(имзо)	Р.Исмайлов
	(имзо)	А.Икромов

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”